

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****458 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъ-
зиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ–4761-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сонли қарори 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «АЖнинг намунавий тузилмаси ҳамда унинг таркибига кирувчи пахта терминалларининг рўйхати 4, 4а ва 4б-иловаларга мувофиқ» сўзлари «АЖ пахта терминалининг намунавий тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 сентябрь,
ПФ–4847-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 23 сентябрдаги
ПФ-4847-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган баъзи ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги ПФ-4631-сонли Фармони иловасининг 28-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2008 йил 11 мартдаги ПҚ-815-сонли қарори иловасининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарори 31-иловасининг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли қарорининг 46-иловаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарори 13-1-иловасининг 15-қатори ва 3-изоҳи, 36-иловасининг 2-банди.